



«17» апрель 2019 у.

№ 319

Toshkent sh.

**Тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш
бўйича давлат хизмати кўрсатишининг маъмурий
регламентини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишининг миллый тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон Фармонига мувофиқ ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор қилади**:

1. Тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишининг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда маъмурий регламент деб аталади) 1-ловага мувофиқ тасдиқланисин.

2. Белгилансинки, ушбу карор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматидан фойдаланиш учун жисмоний шахслар факат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали мурожаат қиласидар.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

давлат хизмати кўрсатиш учун зарур ҳужжатларнинг намунавий шакллари, бланкалари ишлаб чиқилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда Қоракалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг ЯИДХПга уланишини;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда Давлат хизматлари марказларининг ходимлари иштирокида ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентни амалда қўйлашининг самараадорлиги ва амалда қўллапилиши патижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўкув семинарлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартиби бажарилиши юзасидан улар фаолияти бўйича, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентнинг талабларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазоларни қўлласин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июлдаги 214-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 7-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Тренерлик фаолияти билан шугулланиш юзасидан аттестация ўтказиш тартиби тўғрисида низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “17” апрелдаги
319-сон карорига
1-илова

**Тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш
бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Маъмурий регламент жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш юзасидан аттестациядан ўtkазиш бўйича республика комиссияеи (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан аттестация ўtkазиш йўли билан амалга оширилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш юзасидан аттестация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 ийодаги 214-сон карори билан тасдиқланган Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш юзасидан аттестация ўtkазиш тартиби тўғрисида низомга ҳамда бошқа норматив-хукукий хужжатларга асосан ўtkазилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон ракамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда кўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизмати кўрсатиш мазкур Маъмурий регламентга 1-иловадаги схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби

5. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

6. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда. Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса ариза берувчининг ўзи ушбу Маъмурий регламентнинг 2-иловасига асосан. тегишли спорт тури фаолиятини танлаган ҳолда тегишли шаклдаги аризалардан бирини тўлдиради.

7. Ариза берувчи спортнинг иккинчи ва ундан кўпроқ тури бўйича рухсатнома олиш учун мурожаат килиган тақдирда, бу хақда аризада кўрсатади (амал қилувчи рухсатнома берилган кундан бошлаб 6 ой мобайнида).

Шунингдек, ариза берувчи спорт тури бўйича тренер-инструктор сифатида фаолият билан шуғулланишга рухсатномага эга бўлган тақдирда спортнинг айнан шу тури бўйича тренер ёки тренер-ўқитувчи сифатида фаолиятни амалга оширип учун бу хақда аризада кўрсатади (амал қилувчи рухсатнома берилган кундан бошлаб 8 ой мобайнида).

8. Ариза тўлдирилгандан сўнг аризачи уни ўз ЭРИси билан тасдиқлайди.

Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда аризани ЭРИси билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолатларда тегишли имзолар идентификация килишининг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан тасдиқлаши мумкин.

Ариза тўлдирилгандан сўнг Давлат хизматлари маркази ходими аризани расмийлаштиради ва ариза берувчига тақдим этади. Ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, аризани ўз имзоси билан тасдиқлайди. Аризанинг тўғрилиги ва ҳақиқийлиги бўйича барча жавобгарлик ариза берувчининг зиммасида бўлади. бундан аризаларга илова қилинаётган тегишли ташкилотлар томонидан берилган хужжатлар мустасно.

9. Давлат хизматлари кўрсатганилик учун қуйидаги йигимлар ундирилади:

аризани қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун – тўлов кунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;

аттестациядан ўтказиш учун:

тўлов кунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг 1 (бир) баравари миқдорида;

мазкур Маъмурий регламентнинг 7-бандида кўзда тутилган ҳолларда тўлов кунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" ёки "Қорақалпогистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" унвонига, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий даражага эга бўлган шахслар аттестациядан ўтмасдан ва аттестациядан ўтганлик учун ҳақ тўламасдан тренерлик фаолияти билан муддатсиз шуғулланишга рухсатнома оладилар. Давлат унвонлари ва ҳалқаро унвонларга ва/ёки мукофотларга эга бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолиятини ривожлантиришга салмокли хисса қўшган шахслар спорт тури бўйича тегишли республика федерацияси (ассоциацияси)нинг илтимосномаси бўйича Комиссиянинг қарори билан аттестациядан ўтишдан ва аттестация ўтказилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод килиниши мумкин.

Давлат хизмати кўрсатилгани учун йигим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

10. Давлат хизматини олиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда. мазкур Маъмурий регламентнинг 9-бандида кўрсатилган йигимлар тўланадиган суммадан 90 фоиз миқдорида тўланади.

11. Йигим суммалари қуйидагича тақсимланади:

аризани қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун йигим суммасининг:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташкари жамғармаси шахсий ҳисоб рақамига;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг маҳсус ҳисоб рақамига;

70 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади;

аттестациядан ўтказиш учун йигим тўлиқ миқдорда ваколатли органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

12. Давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташкари жамғармасига аризани қабул қилиш ва кўриб чикиш учун йигим суммасининг йўналтириладиган кисми 20 фоиздан 10 фоизга камайтирилади ва бўшайдиган маблағлар колган олувчилар орасида мутаносиб равишда таҳсиланади.

13. Ариза берувчи томонидан аризада ҳақиқий бўлмаган, сохта ва нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатилиш учун йигимни тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади, бундан мурожаат тақдим этилган вактда маълумотлар қайта тўғриланган холатлар мустасно.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

14. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишни рад этган тақдирда унинг аризаси кўриб чиқилмайди. Бунда аризани қабул қилиш ва кўриб чикиш учун йигим суммаси қайтарилмайди.

Агар ариза берувчи белгиланган аттестациянинг биринчи босқичига қадар аттестациядан ўтишдан воз кечса, аттестациядан ўтказиш учун тўланган йигим суммаси ариза берувчининг ёзма мурожаатига асосан тўлиқлигича ваколатли орган томонидан аризачига қайтарилади.

Ариза берувчи аттестациянинг биринчи ва (ёки) иккинчи босқичларидан муваффақиятли ўта олмаган холатда йигимлар суммаси қайтарилмайди.

15. Ариза берувчи маълумотларни текшириб, аризани ўз имзоси билан тасдиқлагандан сўнг, Давлат хизматлари маркази ходими аризани ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, 10 дакиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, ариза автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

16. Ваколатли орган ариза тушган купидан бошлаб:

давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХПдан юборилган ариза ва илова қилинган хужжатлар нусхаларини олиб, 10 иш кунида аттестациянинг биринчи босқичи ўтадиган сана ва жой тўгрисида ёки аттестациядан ўтказишпинг рад этилиши ҳақида қарор қабул қиласи ва бу ҳақда ариза берувчини Давлат хизматлари марказлари (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки (электрон тарзда мурожаат қилинганда) ЯИДХП орқали ёхуд ўзи ўринатилган тартибда хабардор қиласи;

аттестациянинг биринчи босқичини 20 иш куни мобайнида ўтказади;

аттестациянинг биринчи босқичидан ижобий ўтган ариза берувчиларнинг хужжатларини З иш кунидаги тегишли спорт турлари бўйича республика (минтака) ташкилотлари (федерациялар, уюшмалар ва бошқаларга) юборади ва бу хақда ариза берувчини Давлат хизматлари марказлари (ўзи келган холда мурожаат қилинганда) ёки (электрон тарзда мурожаат қилинганда) ЯИДХП оркали ёхуд ўзи ўрнатилган тартибда хабардор қиласди.

17. Спорт турлари бўйича республика (минтака) ташкилотлари 15 иш кунидан ошмайдиган муддатда аттестациянинг биринчи босқичидан муваффақиятли ўтган ариза берувчиларни белгиланган спорт турларидан назарий ва амалий билимлари бўйича аттестациянинг иккинчи босқичини ўтказади ва синов якупнлари бўйича хулосани ваколатли органга юборади.

18. Ваколатли орган 5 иш кунидаги аттестациянинг биринчи ва иккинчи босқичлари якупнлари бўйича таклифни кўриб чиқади ва тренерлик фаолияти билан шугулланиш юзасидан QR-код (матрик штрихли код) қўйилган рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида карор кабул қилиш учун Комиссияга киритади ва Комиссия қарорини тайёрлайди.

19. Куйидагилар рухсатнома беришнинг рад этилиши учун асос хисобланади:

аттестациянинг биринчи ва (ёки) иккинчи босқичларидан ўта олмаган тақдирда:

илгари ижтимоий хавфли, оғир ва алоҳида оғир жиноятлари, шунингдек. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши қаратилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда.

Рухсатнома берилишини бошқа асосларга биноан рад этиш қатъяни тақиқланади.

20. Комиссия қарори қабул қилингандан сўнг ваколатли орган З иш кунидаги рухсатномани ёки асослантирилган рад жавобини расмийлаштирган куни уларни ЭРИси билан тасдиқлайди ва Давлат хизматлари марказига (ўзи келган холда мурожаат қилинганда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат қилинганда) ЯИДХП оркали электрон тарзда юборади.

21. Давлат хизматлари маркази рухсатнома келиб тупигандан сўнг 10 лақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу хақда ахборот-коммуникация тизими оркали хабардор қиласди. Давлат хизматлари маркази ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, ариза берувчининг сўровига асосан, унга маълумотномани электрон шаклида ёки қоғоз шаклида муҳрини босиб, масъул ходимининг имзосини қўйиб бериши шарт.

3-боб. Якунловчи қондалар

22. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши патижасида олинган маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлайди.

23. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг худудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Маъмурий регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари

ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий мониторингни амалга оширади.

24. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-харакатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

25. Мазкур Маъмурий регламентнинг 10 ва 12-бандлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматиари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида” 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон қарорига мувофиқ 2019 йил 1 июндан кучга киради.

26. Мазкур Маъмурий регламент талабларининг бузилишида айблор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Тренерлик фаолияти билан шугулланишга рухсат бериш
бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий
регламентига
1-илова

**Тренерлик фаолияти билан шугулланишга рухсат бериш ишларини амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-bosqich	Ариза берувчи	<ol style="list-style-type: none">Давлат хизматлари марказларига ўзи келган ҳолда мурожаат қиласди ёки электрон тарзда давлат хизматларидан фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтиш.Давлат хизмати кўрсатилгани учун белгиланган йигимларни тўлаш.	<ol style="list-style-type: none">Ўз хоҳишига кўраМурожаат қилганда
2-bosqich	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	Сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ваколатли органга жўнатиш	<ol style="list-style-type: none">10 дақика ичidaАвтоматик тарзда
3-bosqich	Ваколатли орган (Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази)	<ol style="list-style-type: none">Сўровнома ва илова қилинган ҳужжатларни электрон тарзда қабул қилиб, кўриб чиқади, аттестациянинг биринчи босқичини ўтказиш санаси ва жойи тўғрисида ёки аттестациядан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.Аттестациянинг биринчи босқичини ўтказади.	<ol style="list-style-type: none">Хужжатлар қабул қилинган кундан бошлиб 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда;Аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин 20 иш куни мобайнида
4-bosqich	Тренерлик фаолияти билан шугулланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича республика комиссияси	Аттестациянинг биринчи босқичи якунлари бўйича таклифни кўриб чиқади ва тренерлик фаолияти билан шугулланиш юзасидан QR-код (матрик штрихли код) кўйилган рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди ҳамда Комиссия қарори баёнини тасдиклайди.	3 иш куни ичida

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
5-босқич	Республика спорт ташкилотлари (федерациялар, уюшмалар ва бошқалар)	Аттестациянинг иккинчи босқичини ўтказади.	Йўлланма олинган кундан бошлаб 15 иш куни ичидаги
6-босқич	Тренерлик фаолияти билан шугулланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича республика комиссияси	Аттестациянинг биринчи ва иккинчи босқичлари якуплари бўйича таклифни кўриб чиқади ва тренерлик фаолияти билан шугулланиш юзасидан QR-код (матрик штрихли код) кўйилган рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришини рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди ҳамда Комиссия қарори баёнини тасдиқлади.	Иккинчи босқичдан ўтказилганилиги тўғрисидаги хуносани олгандан кейин 5 иш куни ичидаги
7-босқич	Ваколатли орган (Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази)	Комиссия қарори асосида QR-кодли (матрик штрихли код) тренерлик фаолияти билан шугулланиш юзасидан рухсатномани расмийлаштиради ҳамда уни ўз электрон ракамли имзоси билан тасдиқлаб, тегишли Давлат хизматлари марказига ёки (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ариза берувчига (ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда) электрон тарзда юборади.	3 иш куни ичидаги
8-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Рухсатнома келиб тушгандан сўнг уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳакда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди. 2. Ўзи келиб мурожаат қилганда гувоҳномани электрон тарзда ёки қофоз шаклида ариза берувчига тақдим этади.	1. 10 дақиқа ичидаги 2. Ариза берувчининг сўровига асосан

Тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш бўйича
давлат хизмати кўрсатишининг маъмурий регламентига
2-илова

I-ШАКЛ

(санаси)

(ракам)

**Тренер-инструктор фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш учун
АРИЗА**

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар:

1. Фамилияси, исми, отасининг исми:	
2. Паспорт маълумотлари (серияси, рақами, санаси, ким томонидан берилган):	
3. Яшаш манзили:	
4. Электрон манзили ва телефон раками (мавжуд бўлса):	
5. Илгари ижтимоий хавфли, оғир ва алоҳида оғир жиноятлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши қаратилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳакида маълумот:	Ҳа ёки йўқ*
6. Ариза берувчининг спорт тури	Спорт турлари рўйхати**
7. Спортнинг иккинчи ва ундан кўпроқ тури бўйича рухсатнома олиш	Ҳа ёки йўқ
8. Спорт тури бўйича тренер-инструктор сифатида фаолият билан шуғулланишга рухсатномага эга бўлган шахслар спортнинг айнан шу тури бўйича тренер ёки тренер-ўқитувчи сифатида фаолиятни амалга ошириш	Ҳа ёки йўқ

II. Илова қилинадиган ҳужжатлар:

1. Соғлигининг холати тўғрисидаги тиббиёт (психиатрия, наркология) муассасаларининг маълумотномалари	
2. Қоракалпогистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг тавсияси***	
3. 3x4 ҳажмдаги рангли фотосурат (электрон тарзда)	

**Ариза берувчининг
имзоси**

*) зарурат бўлган тақдирда ҳужжатлар ўрганиши учун ваколатли органларга юборилиши мумкин.

**) футбол бўйича тренерлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган номзодлар учун: Осиё футбол конфедерацияси томонидан берилган сертификат (диплом) нусхаси ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан берилган тренерлик лицензияси ёки Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан берилган «С» тошфали лицензия ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциациясининг номзодни аттестациянинг биринчи босқичига юбориш тўғрисидаги тақдимномаси.

***) ушбу ҳужжат фақат умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун тренер-инструкторлик рухсатномасини олиш учун талаб қилинади.

(санаси)

(ракам)

Тренер-ўқитувчи фаолияти билан шугулланишга рухсат бериш учун
АРИЗА

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар:	
1. Фамилияси, исми, отасининг исми:	
2. Паспорт маълумотлари (серияси, рақами, санаси, ким томонидан берилган):	
3. Яшаш манзили:	
4. Электрон манзили ва телефон рақами (мавжуд бўлса):	
5. Илгари ижтимоий хавфли, оғир ва алоҳида оғир жиноятлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши қаратилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида маълумот:	Ҳа ёки йўқ*
6. Ариза берувчининг спорт тури:	Спорт турлари рўйхати**
7. Спортнинг иккинчи ва ундан кўпроқ тури бўйича рухсатнома олиш:	Ҳа ёки йўқ
8. Спорт тури бўйича тренер-инструктор сифатида фаолият билан шугулланишга рухсатномага эга бўлган шахслар спортнинг айнан шу тури бўйича тренер ёки тренер-ўқитувчи сифатида фаолиятни амалга ошириш :	Ҳа ёки йўқ
II. Илова қилинадиган хужжатлар:	
1. Соглигининг ҳолати тўғрисидаги тиббиёт (психиатрия, наркология) муассасаларининг маълумотномалари	
2. Олий ёки ўрта маҳсус, касбий жисмоний тарбия маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси***	
3. 3x4 ҳажмдаги рангли фотосурат (электрон тарзда)	

Ариза берувчининг
имзоси

*) зарурат бўлган тақдирда ҳужжатлар ўрганиши учун ваколатли органларга юборилиши мумкин.

**) футбол бўйича тренерлик фаолиятни амалга ошириш истагини билдирган номзодлар учун: Осиё футбол конфедерацияси томонидан берилган сертификат (диплом) нусхаси ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан берилган тренерлик лицензияси ёки Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан берилган «С» тоифали лицензия ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциациясининг номзодни аттестациянинг биринчи босқичига юборилиши тўғрисидаги тақдимномаси.

***) жисмоний тарбия маълумотига эга бўлиши талаб этилмайдиган спорт турлари учун олий ёки ўрта маҳсус маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси.

(сана)

(ракам)

**Спорт тури бўйича тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш учун
АРИЗА**

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар:	
1. Фамилияси, исми, отасининг исми:	
2. Паспорт маълумотлари (серияси, рақами, санаси, ким томонидан берилган):	
3. Яшаш манзили:	
4. Электрон манзили ва телефон рақами (мавжуд бўлса):	
5. Илгари ижтимоий хавфли, оғир ва алоҳида оғир жиноятлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши қаратилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида маълумот:	Ҳа ёки йўқ*
6. Ариза берувчининг спорт тури	Спорт турлари рўйхати**
7. Спортнинг иккинчи ва ундан кўпроқ тури бўйича рухсатнома олиш	Ҳа ёки йўқ
8. Спорт тури бўйича тренер-инструктор сифатида фаолият билан шуғулланишга рухсатномага эга бўлган шахслар спортнинг айнан шу тури бўйича тренер-ўқитувчи сифатида фаолиятни амалга ошириш	Ҳа ёки йўқ
II. Илова қилинадиган ҳужжатлар:	
1. Соғлигининг ҳолати тўғрисидаги тиббиёт (психиатрия, наркология) муассасаларининг маълумотномалари	
2. Олий ёки ўрта маҳсус, касбий жисмоний тарбия маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси***	
3. 3x4 ҳажмдаги рангли фотосурат (электрон тарзда)	

**Ариза берувчининг
имзоси**

*) зарурат бўлган тақдирда ҳужжатлар ўрганиши учун ваколатли органларга юборилиши мумкин.

**) футбол бўйича тренерлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган номзодлар учун: Осиё футбол конфедерацияси томонидан берилган сертификат (диплом) нусхаси ва Ўзбекистон футбол асоцияцияси томонидан берилган тренерлик лицензияси ёки Ўзбекистон футбол асоцияцияси томонидан берилган «С» тоифали лицензия ҳамда Ўзбекистон футбол асоцияциясининг номзодни аттестациянинг биринчи босқичига юборилиши тўғрисидаги тақдимномаси.

***) жисмоний тарбия маълумотига эга бўлиши талаб этилмайдиган спорт турлари учун олий ёки ўрта маҳсус маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси.

Вазирлар Мажкамасининг
2019 йил **"17" апрел** даги
319-сон карорига
2-илова

Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш юзасидан аттестация ўтказиш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 13-банднинг саккизинчи хатбошисидан “, шунингдек уларнинг дубликатларини беради” сўзлари чиқариб ташлансин.

2. 17 – 19-бандлар, 20-банднинг биринчи хатбошиси, 22 ва 33-бандлар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

3. 37¹-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37¹. Спортнинг олимпия ва паралимпия турлари ҳамда Осиё ўйинлари ластурига киритилган спорт турлари бўйича Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари мусобақаларининг голиб ва совриндор спортчилари тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) тавсиялари асосида аттестациянинг биринчи ва иккинчи босқичларидан ўтмасдан, спорт мактабларида тренер сифатида ишлаш учун тренерлик фаолияти билан шуғулланишга белгиланган тартибда тегишли рухсатнома оладилар”.

4. 37³-банднинг учинчи хатбошиси ва 37⁵-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

5. 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.